

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**544** Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 31 мартдаги ПФ-4996-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 9-сон, 80-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзавтосаноат»

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

АК бошқаруви раиси У.У. Розукулов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 20 июнь,  
392-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 20 июндаги 392-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни  
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»  
2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«Идоралараро тендер комиссиясининг ижобий қарори асосида тузилган (улар бўйича имзоланган протокол мавжуд бўлган), Идоралараро тендер комиссияси аъзолари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси/ раисининг ўринбосари томонидан келишилган (виза қўйилган) импорт контрактлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан 3 иш куни мобайнида, уларни қўшимча экспертизадан ўтказмасдан хулосалар берилади ёки рўйхатдан ўтказилади. Бунда келиб тушган таклифларнинг нархлар бўйича параметрларини баҳолаш тендер савдолари доирасида идоралараро тендер комиссияси ҳузурида ташкил қилинадиган ишчи орган томонидан келиб тушган таклифларни баҳолаш даврида Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади;

идоралараро тендер комиссияси ишчи орган хулосалари ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан ўтказилган келиб тушган таклифларнинг нархи бўйича параметрларини баҳолаш асосида қарор қабул қилади».

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Идоралараро тендер комиссиялари раислари ва котиблари зиммасига қуйидагилар юзасидан жавобгарлик юклансин:

инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадвалларни инобатга олган ҳолда комиссияларнинг мажлисларини ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ишчи органлар томонидан тендер (танлов) ҳужжатлари пакетларини ўз вақтида кўриб чиқиш;

ишчи органлар томонидан мажлис кун тартиби бўйича материалларни идоралараро тендер комиссиясининг барча аъзоларига мажлислар ўтказилишидан 10 кун олдин юбориш;

мажлисларда идоралараро тендер комиссияси барча аъзоларининг доимий иштирокини таъминлаш;

идоралараро тендер комиссияси мажлислари протоколларини қатъиян мажлис ўтказилган кунда расмийлаштириш;

ўтказилган мажлислар ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ахборот тақдим этиш.».

3. Қуйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«5<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида кўриб чиқиш учун идоралараро тендер (танлов) савдолари мажлисларининг ўтказилиши тўғрисида ҳар чоракда ахборот киритсин.».

4. 1-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё,  
нефть-кимё ва металлургия саноати соҳасида амалга  
оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар,  
ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро  
тендер комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

Ибрагимов Ф.И.	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, <i>идоралараро тендер комиссияси раиси</i>
Бурнашев Ш.Р.	— Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, <i>идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари</i>
Мирзамахмудов Ж.Т.	— Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари АТД мудирини, <i>идоралараро тендер комиссияси котиби</i>
лавозими бўйича	— Молия вазирининг биринчи ўринбосари
Асамов Д.Д.	— Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
лавозими бўйича	— Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жам- ғармасининг ижрочи директори
Хошимов Ш.Р.	— «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Шокиров Х.А.	— Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
Шукуров Г.Х.	— Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари
лавозими бўйича	— «Ўзмиллийбанк» раисининг биринчи ўринбосари
Якубов Ш.И.	— «Ўзсаноатқурилишбанк» раисининг ўринбосари
Хантов А.А.	— «Ўзстандарт» агентлиги бош директори
Тоғаев С.У.	— Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи
Жўраев Ш.Х.	— Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари

- Дехканов Д.Т. — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари  
лавозими бўйича — лойиҳачи ташкилот раҳбари  
лавозими бўйича — буюртмачи ташкилот раҳбари.

*Изоҳ.*

*Идоралараро тендер комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс кири-тилади.».*

5. 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Машинасозлик, автомобиль ва электротехника  
саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш  
соҳасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари  
доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш  
бўйича идоралараро тендер комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

- Розукулов У.У. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзавтосаноат» АК бошқаруви раиси, *идоралараро тендер комиссияси раиси*
- Бурнашев Ш.Р. — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, *идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари*
- Рафиков А.В. — Вазирлар Маҳкамасининг Машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари АТД мудири, *идоралараро тендер комиссияси котиби*
- лавозими бўйича — Молия вазирининг биринчи ўринбосари
- Юлдашев А.А. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Хошимов Ш.Р. — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Қосимов Р.К. — «Асака» банки раисининг биринчи ўринбосари
- Мирсаидов Ж.Г. — «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари
- Шарипов О.Б. — Иқтисодиёт вазирлигининг Бош бошқарма бошлиғи
- лавозими бўйича — Давлат рақобат қўмитасининг Бош бошқарма бошлиғи
- Тоғаев С.У. — Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи
- Юлдашев О.М. — «Ўзоғирсаноатлойиҳа» АЖ бош директори
- лавозими бўйича — буюртмачи ташкилот раҳбари.

*Изоҳ.*

*Идоралараро тендер комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақ-*

*дирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.».*

6. 3-иловининг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси соҳасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссиясининг ТАРКИБИ**

- |                 |   |
|-----------------|---|
| Раматов А.Ж.    | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси, идоралараро тендер комиссияси раиси        |
| Бурнашев Ш.Р.   | — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари   |
| Махкамов И.Р.   | — Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД мудирини, идоралараро тендер комиссияси котиби |
| Турсунов Ё.Э.   | — Молия вазирининг ўринбосари   |
| Юлдашев А.А.    | — Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари  |
| Хошимов Ш.Р.    | — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари  |
| Салиев М.А.     | — Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари  |
| Вафаев Ш.А.     | — Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари  |
| Мирсаидов Ж.Г.  | — «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари   |
| лавозими бўйича | — «Ўзмиллийбанк» раисининг биринчи ўринбосари   |
| Якубов Ш.И      | — «Ўзсаноатқурилишбанк» раисининг ўринбосари  |
| Юнусов Ж.Б.     | — Давлат рақобат қўмитасининг Бош бошқарма бошлиғи  |
| Тоғаев С.У.     | — Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи  |
| лавозими бўйича | — Иқтисодиёт вазирлигининг бошқарма бошлиғи   |
| лавозими бўйича | — буюртмачи ташкилот раҳбари.   |

*Изоҳ.*

*Идоралараро тендер комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.».*

7. 4-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари соҳасида  
амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида  
товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича  
идоралараро тендер комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

- Мирзаев З.Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, *идоралараро тендер комиссияси раиси*
- Бурнашев Ш.Р. — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, *идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари*
- Мустафаев О.С. — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириинг ўринбосари, *идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари*
- Абдуразаков Ш.Ш. — Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари масалалари АТД мудирини, *идоралараро тендер комиссияси котиби*
- Хамраев Ш.Р. — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириинг ўринбосари
- Мирзаев М.М. — Молия вазириинг ўринбосари
- Юлдашев А.А. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Хошимов Ш.Р. — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Салиев М.А. — Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари
- Мирсаидов Ж.Г. — «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари
- лавозими бўйича — «Ўзмилийбанк» раисининг ўринбосари
- Тоғаев С.У. — Адлия вазириининг бошқарма бошлиғи
- лавозими бўйича — Иқтисодиёт вазириининг бошқарма бошлиғи
- лавозими бўйича — Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи
- Хаитметов Э.С. — Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари
- лавозими бўйича — лойиҳачи ташкилот раҳбари
- лавозими бўйича — буюртмачи ташкилот раҳбари.

*Изоҳ.*

*Идоралараро тендер комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.»*

8. 5-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссиясининг ТАРКИБИ**

Курбанов Р.Ж.	— Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси, идоралараро тендер комиссияси раиси
Бурнашев Ш.Р.	— Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари
Ризаев К.С.	— Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари АТД мудирини, идоралараро тендер комиссияси котиби
Хайдаров А.Я.	— Молия вазирининг ўринбосари
лавозими бўйича	— Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
Раимов Б.Я.	— Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Шакиров Х.А.	— Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
Хаитов А.А.	— «Ўзстандарт» агентлигининг бош директори
Тоғаев С.У.	— Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи
Саидходжаев М.Ш.	— «Давархитектқурилиш» қўмитасининг бошқарма бошлиғи
Камалетдинов У.	— Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи
лавозими бўйича	— лойиҳа ташкилоти раҳбари
лавозими бўйича	— буюртмачи ташкилот раҳбари.

*Изоҳ.*

*Идоралараро тендер комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.».*

9. Қуйидаги мазмундаги 5а-илова қўшилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорига  
5а-ИЛОВА

**«Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошириладиган  
инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва  
хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро  
тендер комиссияси  
ТАРКИБИ**

- Шадманов А.К. — соғлиқни сақлаш вазири, *идоралараро тендер комиссияси раиси*
- Бурнашев Ш.Р. — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, *идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари*
- Ризаев К.С. — Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, табиатни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари АТД мудирининг раиси, *идоралараро тендер комиссияси котиби*
- Хайдаров А.Я. — Молия вазирининг ўринбосари
- лавозими бўйича — Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
- Раимов Б.Я. — Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Шакиров Х.А. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
- Хайтов А.А. — «Ўзстандарт» агентлигининг бош директори
- Тоғаев С.У. — Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи
- Саидходжаев М.Ш. — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг бошқарма бошлиғи
- Камалетдинов У. — Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи
- лавозими бўйича — лойиҳа ташкилоти раҳбари
- лавозими бўйича — буюртмачи ташкилот раҳбари.

*Изоҳ.*

*Идоралараро тендер комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.»*



10. 6-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати соҳасида товарлар,  
ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро  
тендер комиссияси  
ТАРКИБИ**

- Иноятов У.И. — Халқ таълими вазири, *идоралараро тендер комиссияси раиси*
- Бурнашев Ш.Р. — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, *идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари*
- Набиев Д.Х. — Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари АТД мудирини, *идоралараро тендер комиссияси котиби*
- Хайдаров А.Я. — Молия вазирининг ўринбосари
- лавозими бўйича — Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
- Раимов Б.Я. — Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Хашимов Ш.Р. — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Шакиров Х.А. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
- Хайтов А.А. — «Ўзстандарт» агентлигининг бош директори
- Тоғаев С.У. — Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи
- Камалетдинов У. — Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи
- лавозими бўйича — лойиҳа ташкилоти раҳбари
- лавозими бўйича — буюртмачи ташкилот раҳбари.

*Изоҳ.*

*Идоралараро тендер комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.»*

11. 7-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар  
соҳасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш  
бўйича идоралараро тендер комиссияси  
ТАРКИБИ**

- Шерматов Ш.Х. — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи, *идоралараро тендер комиссияси раиси*
- Садиков Ш.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари АТД мудирини, *идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари*

Бурнашев Ш.Р.	— Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, идоралараро тендер комиссияси раисининг ўринбосари
Юлдашев К.А.	— Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари АТД шўъба мудирини, идоралараро тендер комиссияси котиби
Турсунов Ё.Э.	— Молия вазирининг ўринбосари
Шакиров Х.А.	— Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
Хашимов Ш.Р.	— «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Салиев М.А.	— Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари
Аминов Р.А.	— Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
лавозими бўйича	— «Ўзмиллийбанк» раисининг биринчи ўринбосари
Мирсаидов Ж.Г.	— «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари
Тоғаев С.У.	— Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи
Наримов Р.К.	— Иқтисодиёт вазирлигининг бошқарма бошлиғи
лавозими бўйича	— лойиҳа ташкилоти раҳбари
лавозими бўйича	— буюртмачи ташкилот раҳбари.

*Изоҳ.*

*Идоралараро тендер комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.».*

## 12. 8-иловада:

а) 10-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Буюртмачи (буюртмачи ташкилот) ҳисобланадиган вазирлик ёки идора тендер (танлов) савдолари ўтказишни ташкил этиш бўйича ишчи орган таркибига доир таклифларни кейинчалик идоралараро тендер комиссияси раиси томонидан тасдиқлаш учун киритади»;

б) 13-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ташкил қилади» сўзлари «ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун идоралараро тендер комиссиясига киритади» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«идоралараро тендер комиссияси мажлисини ўтказишдан 10 кун олдин кун тартибидаги кўриб чиқиладиган масалалар бўйича материалларни унинг аъзоларига олдиндан танишиш учун юборади»;

саккизинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 22-банднинг иккинчи хатбошидаги «мажлисдан кейин уч кун мобайнида» сўзлари «мажлис ўтказилган кунда» сўзлари билан алмаштирилсин;

**544-545-моддалар**

**— 172 —**

**25 (785)-сон**

г) 25-банддаги «унинг тўғрисидаги» сўзлари «тендер (танлов) савдолари натижалари тўғрисидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 27-банддаги «мувофиқ» сўзидан кейин «буюртмачи ташкилот ва ишчи орган томонидан тегишли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тасдиқланган тармоқ жадвалларини ҳисобга олган ҳолда материаллар тайёрланишига кўра» сўзлари қўшилсин.